



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG'I**

20 19 yil « 03 » 12

№ 293

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги
тиббиёт ташкилотлари томонидан пуллик хизматни ташкил этиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-4055-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2016 йил 26 февралдаги 55-сон “2016-2020 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ва 2017 йил 5 сентябрдаги 696-сон “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотлари томонидан пуллик хизматни ташкил этиш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда республика тасарруфидаги тиббиёт ташкилотлари раҳбарлари, давлат тиббиёт ташкилотларида пуллик тиббий ва сервис хизматлар, мазкур буйруқнинг иловаси билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотлари томонидан пуллик хизматни ташкил этиш тартиби асосида ташкил қилинишини таъминласин.

3. Ички аудит ва молиявий назорат хизмати (Н.Юсупходжаев) ва Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Б.Эргашев) давлат тиббиёт ташкилотларида кўрсатилаётган пуллик тиббий ва сервис хизматларга нарх (тариф) белгилаш, бюджетдан ташқари тушган маблағларнинг мақсадли сарф-харажати юзасидан доимий мониторинг ўрнатсин.

4. Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармаси (К.Эшназаров) давлат тиббиёт ташкилотларида пуллик тиббий ва сервис хизматларини ташкил этиш, уларнинг номенклатураси ва ҳажмини кенгайтириш, бюджетдан ташқари тушадиган маблағлар бўйича прогноз параметрлар ижроси, моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш ҳамда пуллик хизматларга тасдиқланган нарх (тариф)ларни тўғри шакллантирилиши ва уларни қўлланилиши юзасидан мониторинг ўрнатсин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосарлари Б.Низомов ва Ли Донг Ук зиммасига юклатилсин.

Вазир



А.Шадманов

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббий ташкилотлари томонидан пуллик хизматни ташкил этиш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-4055-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сон “2016-2020 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ва 2017 йил 5 сентябрдаги 696-сон “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббий ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббий ташкилотларида пуллик тиббий ва сервис хизматларни ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Давлат тиббий ташкилотларида давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий хизматлар давлат бюджети маблағлари ҳисобига кўрсатилади. Давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий хизматлардан ташқари хизматлар қўшимча ҳисобланади ва тарафларнинг ўзаро келишувига кўра пуллик асосда кўрсатилади.

Пуллик хизматлар юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

2. Тиббий ташкилотига мижоз тиббий ёрдам олиш учун тегишли йўлланмасиз (ордерсиз) бевосита мурожаат этса, тиббий ёрдам белгиланган тартибда пуллик асосда кўрсатилади, шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2-боб. Тиббиёт ташкилотларида пуллик хизматларни ташкил этиш тартиби

3. Бюджет хисобидан молиялаштириладиган тиббиёт ташкилотларида бюджетдан ташқари тушумлар учун алоҳида ҳисоб рақам бўлиши керак.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан ташкил этилган давлат тиббиёт унитар корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг тиббий фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган тақдирда, лицензия олмасдан тиббий фаолият юритишга ҳақли.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида тиббий хизмат кўрсатиши белгилаб қўйилган бюджетдан молиялаштириладиган тиббиёт ташкилотларида пуллик хизматлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори асосида ташкил этилади. Бунда бирор юқори турувчи соғлиқни сақлаш органининг рухсати ёки лицензияси талаб этилмайди.

6. Пуллик хизматларни ташкил қилишда тиббиёт ташкилотларида қуйидаги ишлар ташкиллаштирилган бўлиши шарт:

пуллик асосда кўрсатилган хизматлардан топилган маблағлар учун алоҳида ҳисоб рақамининг мавжудлиги;

мазкур низомнинг иловасида келтирилган шаклда тиббиёт ташкилотининг қабулхона ва поликлиника бўлимларида Ахборот бурчагининг мавжудлиги;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 16-майдаги 12/17-сон “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (2687-сон, 2015 йил 22 июн) талаблари асосида ташкил этилган касса;

тўловларни қабул қилиш учун фискал хотирага эга бўлган касса аппарати ва банк терминаллари билан таъминланганлиги;

белгиланган тартибда тасдиқланган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромад ва харажатлар сметасининг мавжудлиги;

пуллик асосда кўрсатилиши режалаштирилган хизмат турларининг руйхати ва уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган калькуляция ва нархномаларнинг мавжудлиги.

7. Кўрсатилган пуллик хизматлар учун аҳолидан нақд пул тўловларини тиббиёт ташкилотининг буйруғи билан тайинланган алоҳида ходим (моддий

жавобгар шахс, ғазначи) қабул қилади. Ушбу ходимлардан ташқари, бошқа ходимларнинг нақд пул тушумини қабул қилиши қатъиян ман этилади.

8. Тиббиёт ташкилотлари иш жараёнида доимий равишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали мижозларга қулайлик яратиб бориш чораларини кўриши шарт. Жумладан:

кўрсатиладиган тиббий хизматлар номенклатураси, уларнинг нархлари, тиббиёт ходимларининг мижозларни қабул қилиш иш режими каби маълумотларни ўз ичига оладиган электрон ахборот стенди;

кўрсатиладиган тиббий хизматлар номенклатураси, уларнинг нархлари, тиббиёт ходимларининг мижозларни қабул қилиш иш режими, стационар шароитдаги бўлимлардаги палаталарнинг расм ёки видеороликлари ҳамда “онлайн-маслаҳатчи” дастурини ўз ичига оладиган доимий равишда янгилаб туриладиган тиббиёт ташкилотининг веб-сайти фаолияти йўлга қўйилиши;

тиббиёт ташкилотлари тузилмасидаги поликлиникаларда тиббий хизматларга навбатга туриш учун электрон таблолар ўрнатилган бўлиши;

мижозларни қабул қилиш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш, маблағларни қабул қилиш, уларни стационар шароитда тиббиёт ташкилотига жойлаштириш, статистик маълумотларни шакллантириш электрон дастурлар орқали амалга оширилиши лозим.

3-боб. Мижозларни қабул қилиш ва мижозларни даволаш тартиби

9. Мижозларга пуллик тиббий хизматлар курсатиш шошилинич, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга бўлмаган ҳолатда, алоҳида ташкил этилиши лозим.

10. Мижоз тиббиёт ташкилотларининг маслаҳат поликлиникалари ёки хўжалик ҳисобидаги диагностика бўлимлари томонидан қабул қилинади.

Бунда, тиббиёт ташкилотлари тезкорлик билан мижозга хизмат кўрсатиш чораларини кўриши ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш жараёни электрон дастур орқали амалга оширилиши шарт.

11. Мижозларни қабул қилишни рўйхатдан ўтказиш тиббиёт ташкилотларнинг маслаҳат поликлиникалари ёки хўжалик ҳисобидаги диагностика бўлимларида амалга оширилади, бу ерда ҳар бир мижозга унинг шахсини тасдиқловчи маълумотлари асосида амбулатория карта очилади.

12. Тиббиёт ташкилотларига биринчи марта келган шахслар белгиланган нархнома бўйича ҳақ тўлагандан сўнг маслаҳат олиш учун мутахассис шифокорга юборилади.

13. Ҳақ тўлаш банк шахобчаси ёки тиббиёт ташкилотларининг назорат-касса (терминал) аппаратлари қўлланган ва қатъий ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланадиган бланкалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Мижоз нақд пул билан тўлаган тақдирда, банк томонидан тасдиқланган тўлов топшириқномаси нусхасини ёки кассир томонидан мижознинг ҳақ тўлаганлигини тасдиқловчи тўлов қоғозини рўйхатга олиш бўлимига топширади, касса изи туширилган чек мижознинг ўзида қолади.

14. Маслаҳат бериш вақтида шифокор-мутахассис мижозни, дастлабки тиббий текширувдан ўтишга юборади, зарур ҳолларда эса, мижозга тасдиқланган ташхис қўйиш мақсадида даволаш стандартларига мувофиқ қўшимча тиббий текширувлар белгилаши мумкин, текширув натижаларига кўра, мижозга амбулатория ёки стационар шароитда даволаш курсини белгилайди.

15. Амбулаторияда ёки стационарда даволаш курсини амалга оширишга қарор қилингандан кейин маслаҳат берувчи шифокор-мутахассисга бириктирилган ўрта тиббиёт ходими томонидан мижознинг амбулатор картаси рўйхатхонага топширилади.

16. Пуллик тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан шартнома ушбу низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича икки ёхуд уч нусхада тузилади, уларни мижоз, унинг ҳомийси (тўловчи бўлганда) ва тиббиёт ташкилоти раҳбари ёки мазкур функциялар меҳнат вазифаларига мувофиқ зиммасига юкланган ваколатли шахс имзолайди, шартномалар бир нусхадан мижозга (ёки унинг ҳомийсига), шунингдек тиббиёт ташкилотининг ҳужжатлар йиғма жилдларида сақлаш учун берилади.

17. Мижозлар тиббиёт ташкилотига олдиндан тўлов асосида жойлаштирилади. Олдиндан тўлов миқдори тиббиёт ташкилоти ва мижоз ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади. Тиббиёт ташкилот томонидан белгиланган олдиндан тўлов миқдори барча мижозлар учун қўлланилади, бунда бирор-бир мижозга уни камайтириш орқали устунлик берилишига йўл қўйилмайди.

Бу ҳолда, иш берувчи ёки мижозни даволаш қийматини мурувват тариқасида тўлаган бошқа ташкилот ҳомий бўлиши мумкин.

18. Тиббиёт ташкилоти томонидан кўрсатилган тиббий ёрдам натижасида ёки тиббиёт ташкилоти мутахассисларининг нотўғри ташхиси ва хатти-ҳаракатлари туфайли салбий оқибатлар юзага келганда, даволаш харажатлари тиббиёт ташкилотининг ўз маблағлари ҳисобидан қопланади.

19. Мижоз тиббиёт ташкилотдан чиқиш вақтида намунавий шаклдаги шартнома иловасида келтирилган бажарилган ишлар далолатномасига асосан якуний ҳисоб-китоб ишлари ўтказилади.

Бунда, мижоз томонидан ортикча тўланган маблағнинг қайтарилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон “Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 6-иловасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Стационар шароитда даволанган мижозлар билан тузиладиган шартнома ва якуний ҳисоб-китоблар далолатномаси тиббиёт ташкилотининг пуллик хизмат бўйича менежерлари томонидан амалга оширилади.

21. Тиббиёт ташкилоти ёки унинг ҳомийси мижозда қўшимча касалликлар аниқланганлиги туфайли кўрсатилиши зарур бўлган қўшимча тиббий ёрдам ҳажми учун тўловни рад этган тақдирда, мижоз ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига мувофиқ назарда тутилган ва қиймати тўланган тиббий ёрдамни тўлиқ ҳажмда олгандан кейин, тиббиёт ташкилоти томонидан мижозни шифохонадан чиқарилади ёки уни яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш ташкилотига белгиланган тартибда юборилади.

4-боб. Бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш тартиби

22. Бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари маблағ билан таъминлаш манбалари қуйидагилардан иборат:

фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан;

бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни бошқа ташкилотларга ижарага беришдан;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ҳомийлик (беғараз) ёрдами берилишидан олинган қўшимча даромадлар.

23. Тиббиёт ташкилотларининг фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг асосий йўналишлари тиббиёт ташкилотининг уставида ёки низомида кўрсатилган бўлиши керак. Тиббиёт ташкилотлари томонидан пуллик тиббий ва сервис хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги низом мазкур низом талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

24. Бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузадилар. Бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича даромадлар ва харажатлар сметалари тиббиёт ташкилоти раҳбари томонидан мустақил равишда тасдиқланади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2014 йил 14 ноябрдаги 74-сон “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғида (рўйхат рақами 2634-сон, 2014 йил 15 декабрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Республика тасарруфидаги тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган пуллик тиббий хизматларига нарх (тариф)лар калькуляцияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда тиббиёт ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари тасарруфидаги ҳамда шаҳар ва туманлардаги тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган пуллик тиббий хизматларига нарх (тариф)лар калькуляцияси ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органлари билан келишилган ҳолда тиббиёт ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланади.

26. Ҳар бир тиббиёт ташкилоти раҳбари кўрсатилаётган пуллик тиббий ва сервис хизматлар номенклатурасини илғор халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда кенгайтириб бориш чораларини кўриши шарт.

27. Тиббиёт ташкилотларида сервис хизмат турлари мазкур низомнинг 3-иловасида келтирилган рўйхатга мувофиқ ташкил этилади. Тиббиёт ташкилоти томонидан аҳоли талабларини инобатга олган ҳолда рўйхатда кўрсатилмаган сервис хизмат турлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

28. Тиббиёт ташкилоти томонидан ташкил қилинган пуллик сервис хизмат турлари бюджет маблағлари сифатига ва ҳажмига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозим. Сервис хизмат турлари миждозларга ихтиёрий тарзда кўрсатилади ва аҳолининг барча қатламига пуллик асосда амалга оширилади.

29. Тиббиёт ташкилоти пуллик хизматлар бўйича статистик, бухгалтерия ва мониторинг ҳисоботларини олиб бориши ҳамда ўрнатилган тартибда ва муддатларда юқори турувчи ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органига ва статистика органларига белгиланган шаклларда топшириши шарт.

5-боб. Бюджетдан ташқари маблағларнинг сарф-харажат тартиби

30. Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган тиббиёт ташкилотларининг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлари товарларни (ишларни, хизматларни) реализация

қилишдан тушган тушумлар ва уларни ишлаб чиқариш бўйича харажатлар ўртасидаги ижобий фарқ сифатида аниқланади.

Бунда, тиббиёт ташкилотларининг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлари (ҳомийлик ёрдами, беғараз ёрдам миқдори бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 3-илоvasи ва 3¹-илоvasига асосан тиббиёт ташкилотларининг гуруҳлари бўйича тасдиқланган фоизларда Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасига белгиланган тартибда йўналтирилади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотига кўрсатилган ҳомийлик маблағларининг барча суммаси, агар ҳомий билан махсус ўзгача ҳол келишилмаган бўлса, бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфланади.

31. Ҳар бир тиббиёт ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 153-моддасига асосан бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланган бўлиши лозим.

Бунда, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди.

6-боб. Яқуний қоидалар

32. Тиббиёт ташкилотларида пуллик тиббий ва сервис хизматларини ташкил қилиниши, уларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши юзасидан масъулият тиббиёт ташкилотларининг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

33. Тиббиёт ташкилоти ва тиббий хизмат олиш учун мурожаат этган мижоз ёки юридик шахслар ўртасида юзага келадиган эътироз ва тортишувлар ўзаро келишувга асосан, бундай келишувга эришилмаса, юқори турувчи соғлиқни сақлаш бошқарув органида ёки суд органларида ҳал этилади.

34. Мазкур низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Пуллик тиббий хизмат кўрсатиш бўйича
“ _____ ” _____ йилдаги _____ сонли **ШАРТНОМА**

_____ номидан муассаса устави асосида иш кўрувчи, кейинчалик Бажарувчи" деб юритилувчи муассаса раҳбари _____ бир томондан, кейинчалик "Мижоз" деб юритилувчи, фуқаро _____ иккинчи томондан, Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик “Хомий” деб юритилувчи учинчи томондан, мазкур Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур Шартнома бўйича Бажарувчи Мижозга қуйидаги кўрсатилган хажмда ва муддатда тиббий хизматлар кўрсатади, Мижоз/Хомий эса мазкур Шартнома барча томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб ушбу хизматларга белгиланган тарифлар бўйича олдиндан ҳақ тўлаш шартларида Бажарувчининг ҳисоб рақамига ҳақ тўлайди.

№	Кўрсатиладиган хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	нархи	сумма
1.	Ўрин-кун			
2.	Тиббий-диагностик ёрдам			
3.	Дори-дармон			
4.	Пуллик овқатланиш			
	Жами:			

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

а) мазкур Шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган тиббий хизматларни мазкур Шартномада белгиланган хажмлар ва муддатлар доирасида кўрсатиш;

б) далолатнома билан расмийлаштирилган амалдаги харажатлар натижалари бўйича фойдаланилмай қолган маблағларни Мижозга/Хомийга қайтариш.

2.2. Бажарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Мижоздан Бажарувчининг ички тартиб-қоидаларига, даволаш режимига, тиббий ходимлар кўрсатмалари ва тайинлашларига риоя қилишни талаб этиш;

б) мазкур Шартноманинг 1.1. бандида назарда тутилган кўрсатиладиган хизматлар қийматини тўлаш шартларига риоя этилмаган тақдирда мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиш.

2.3. Мижоз қуйидагиларга мажбур:

а) Бажарувчининг ички тартиб-қоидаларига, даволаш режимига, Бажарувчининг тиббий ходимлари кўрсатмалари ва тайинлашларига риоя қилиш;

б) мазкур Шартноманинг 1.1. бандида назарда тутилган шартларда хизматларнинг тўлиқ қийматини Бажарувчига ўз вақтида тўлаш.

2.4. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) мазкур Шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган тиббий хизматларни мазкур Шартномада белгиланган хажмлар ва муддатлар доирасида олиш;

б) тиббий ёрдам кўрсатишнинг тасдиқланган тартиб-қоидалари, ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари, тарифлар билан танишиш;

в) далолатнома билан расмийлаштирилган амалдаги харажатлар натижалари бўйича фойдаланилмай қолган маблағлар қайтарилишини талаб қилиш ва олиш.

г) Бажарувчини _____ кун олдин ёзма равишда огохлантириб, мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиш.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Мазкур Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёхуд зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонлар бир-бирининг олдида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

4.1. Бажарувчи томонидан нотўғри ташхис ва хулосалари туфайли салбий оқибатлар пайдо бўлган тақдирда, Бажарувчи Мижоз учун қўшимча ташхис қўйиш ва даволаш ёрдами, дори-дармонлар ва овқат қийматини ўз маблағлари ҳисобидан тўлайди.

4.2. Бажарувчи томонидан кўрсатиладиган хизматлар нархи ошган тақдирда, Мижоз билан яқуний ҳисоб-китоб шартнома тузилган санада амалда бўлган нархлар асосида амалга оширилади.

4.3. Мазкур Шартномада тартибга солинмаган масалалар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

V. ФОРС-МАЖОР

5.1. Шартномада кўзда тутилган мажбуриятлар томонларга боғлиқ бўлмаган ва бартараф этиш мумкин бўлмаган енгиб бўлмаган кучларга (Форс-мажор) кўра бажариш имкони бўлмаган ҳолларда томонлар жавобгарликдан озод этилади. Форс-мажор ҳолати бошланганлиги ва тугаганлиги тўғрисида ваколатли орган томонидан берилган ҳужжатга асосан бир томон иккинчи томонни зудлик билан ёзма равишда огохлантиради.

VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур Шартномани бажаришда пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкони борича томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан хал этилади.

6.2. Низоларни музокаралар йўли билан хал этиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ судда кўриб чиқилиши керак.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган бўлса ва томонларнинг бунга вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ва мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.2. Мазкур Шартнома уни барча томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

7.3. Мазкур Шартнома ҳар бир томон учун икки (уч) нусхада тузилди. Барча нусхалар ўхшаш ва бир хил юридик кучга эгадир.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

<u>Бажарувчи</u>	<u>Мижоз</u>	<u>Ҳомий</u>
_____	_____	_____
(тўлиқ номи, манзили)	(Ф.И.Ш.)	(тўлиқ номи, манзили)
х/р № _____	_____	х/р № _____
МФО _____	(паспорт раками ва серияси, ким томонидан ва қачон берилган)	МФО _____
Рахбар _____	_____	Рахбар _____
(Ф.И.Ш.)	_____	(Ф.И.Ш.)
М.Ў. _____ имзо	(яшаш манзили)	М.Ў. _____ имзо

_____ - сонли шартномага асосан
хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси

№	Кўрсатилган тиббий хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	нархи	сумма
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				
9.				
10.				
11.				
12.				
13.				
14.				
15.				
16.				
17.				
18.				
19.				
20.				
	Даволаниш учун жами:			
1.	Дори-дармон харажатлари			
2.	Пуллик овқатланиш харажатлари			
	Умумий:			

Бемор томонидан тўланган маблағ _____ сўм.

Беморга/дан қайтариладиган/ундириладиган маблағ _____ сўм.
(кераксизи ўчирилсин)

Бўлим бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (ф.и.ш.)

Даволовчи шифокор

_____ (имзо)

_____ (ф.и.ш.)

Хисобчи/иқтисодчи

_____ (имзо)

_____ (ф.и.ш.)

Бемор

_____ (имзо)

_____ (ф.и.ш.)

м.ў.

аҳолига

(тиббий ташкилот номи)
кўрсатилаётган пуллик тиббий хизматлар тўғрисида

АХБОРОТ БУРЧАГИ



Муассасанинг юридик
манзили, телефон рақами
ва иш тартиби




Ўзбекистон Республикаси
«Фуқаролар соғлиғини
сақлаш тўғрисида»ги
Қонуннинг 24-моддасига
асосан бемор ҳуқуқлари



Пуллик хизмат кўрсатиш
қоидалари



Касалликлар нозологияси бўйича умумлаштирилган
прейскурант



Таклиф ва шикоятлар
журнали

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-
профилактика муассасаларида аҳолига кўрсатиладиган пуллик сервис хизмат турлари**

Р Ў Й Х А Т И*

I. Оилавий поликлиникалар, болалар ва катталар поликлиникаларида.

1. Беморларни уйида ходим (тиббий ҳамшира, кичик тиббий ходим) парвариши;
2. Беморларни уйида физиотерапевтик даволаш, мануал терапия, массаж, даволовчи жисмоний машқ муолажалари ўтказиш;
3. Фитобарлар хизмати;
4. Хужжатлардан ксероносуха олиш хизмати;
5. Хўжалик ҳисобидаги стоматология бўлим (хоналари) ташкил этиш.

II. Туман ва шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаларида.

1. Беморларни уйида ходим (тиббий ҳамшира, кичик тиббий ходим) парвариши;
2. Беморларни уйида физиотерапевтик даволаш, мануал терапия, массаж, даволовчи жисмоний машқ муолажалари ўтказиш;
3. Фитобарлар хизмати;
4. Хужжатлардан ксероносуха олиш хизмати;
5. Пойабзал таъмирлаш устахонаси ташкил этиш;
6. Хўжалик ҳисобидаги стоматология бўлим (хоналари) ташкил этиш.

**III. Туман ва шаҳар марказий шифохоналари ва шифохоналарида, умумий
профилдаги вилоят ва республика шифохоналарида, поликлиникаларида,
диспансерларида, марказларда.**

1. Фитобарлар ташкил этиш;
2. Беморлар яқинларини меҳмонхона жойлари билан таъминлаш;
3. Кўшимча сервис хизмати ташкил этиш (телевизор, кондиционер, холодильник, ва шу кабилар);
4. Хўжалик ҳисобида кирхона ташкил этиш;
5. Хужжатлардан ксероносуха олиш;
6. Сартарошлик хизмати;
7. Бемор яқинларини беморга парвариш қилиш учун алоҳида ўрин билан таъминлаш (улар ҳоҳишига биноан пуллик овқат билан таъминлаш ва тиббий текширувлар ўтказиш);
8. Томорқа хўжалиги, иссиқхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотларни сотиш;
9. Ҳайдовчиларни ва ҳайдовчиларга номзодларни транспорт воситасини ҳайдашга яроқлилигини тиббий кўрикдан ўтказиш;
10. Пойабзал таъмирлаш устахонаси ташкил этиш;
11. Хўжалик ҳисобидаги соғломлаштириш ва реабилитация бўлимлари ташкил этиш;
12. Беморларни уйига бориб, шифокор маслаҳатини бериш;
13. Тиббий текширув натижаларини беморни уйига етказиб бериш.

IV. Болалар шифохоналарида (юкумли ва сил касалликлари шифохоналаридан ташқари).

1. Фитобарлар ташкил этиш;
2. Беморлар яқинларини меҳмонхона жойлари билан таъминлаш;
3. Қўшимча сервис хизмати ташкил этиш (телевизор, кондиционер, холодильник, ва шу кабилар);
4. Ҳужжатлардан ксеронусха олиш;
5. Сартарошлик хизмати;
6. Беморлар яқинларини беморга парвариш қилиш учун алоҳида ўрин билан таъминлаш (улар хоҳишига биноан пуллик овқат билан таъминлаш ва тиббий текширувлар ўтказиш);
7. Пойабзал таъмирлаш устахонаси ташкил этиш;
8. Томорқа хўжалиги, иссиқхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотларни сотиш.

V. Ўсмирлар диспансерларида.

1. Фитобарлар ташкил этиш;
2. Ҳужжатлардан ксеронусха олиш;
3. Пойабзал таъмирлаш устахонаси ташкил этиш;
4. Сартарошлик хизмати.

VI. Туғруқ комплексларида, перинатал марказларда.

1. Фитобарлар ташкил этиш;
2. Беморлар яқинларини меҳмонхона жойлари билан таъминлаш;
3. Қўшимча сервис хизмати ташкил этиш (телевизор, кондиционер, холодильник, ва шу кабилар);
4. Ҳужжатлардан ксеронусха олиш;
5. Сартарошлик хизмати.

VII. Шошилинч тиббий ёрдам тизими муассасаларида.

1. Фитобарлар ташкил этиш;
2. Беморлар яқинларини меҳмонхона жойлари билан таъминлаш;
3. Қўшимча сервис хизмати ташкил этиш (телевизор, кондиционер, холодильник, ва шу кабилар);
4. Хўжалик ҳисобида кирхона ташкил этиш;
5. Ҳужжатлардан ксеронусха олиш;
6. Сартарошлик хизмати;
7. Беморлар яқинларини беморга парвариш қилиш учун алоҳида ўрин билан таъминлаш;
8. Томорқа хўжалиги, иссиқхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотларни сотиш.

VIII. Онкологик, эндокринологик диспансерларда.

1. Фитобарлар ташкил этиш;
2. Беморлар яқинларини меҳмонхона жойлари билан таъминлаш;
3. Қўшимча сервис хизмати ташкил этиш (телевизор, кондиционер, холодильник, ва шу кабилар);
4. Хўжалик ҳисобида кирхона ташкил этиш;
5. Ҳужжатлардан ксеронусха олиш;
6. Сартарошлик хизмати;
7. Беморлар яқинларини беморга парвариш қилиш учун алоҳида ўрин билан таъминлаш;
8. Пойабзал таъмирлаш устахонаси ташкил этиш;

9. Томорқа хўжалиги, иссиқхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотларни сотиш.

IX. Наркологик диспансерларда.

1. Фитобарлар ташкил этиш;
2. Қўшимча сервис хизмати ташкил этиш (телевизор, кондиционер, холодильник, ва шу кабилар);
3. Хўжалик ҳисобида қирхона ташкил этиш;
4. Хужжатлардан ксероносуха олиш;
5. Сартарошлик хизмати;
6. Пойабзал таъмирлаш устахонаси ташкил этиш;
7. Томорқа хўжалиги, иссиқхоналар ташкил этиш ва тайёр маҳсулотларни сотиш;
8. Ҳисобда турмаслик тўғрисида тиббий маълумотномалар бериш (қонун ҳужжатларида бепул берилиши кўрсатилган контингентдан ташқари).

X. Рухий ва рухий-асаб касалликлари шифохоналарида.

1. Хўжалик ҳисобида қирхона ташкил этиш;
2. Кийим ва ўрин жамламаларини тикиш;
3. Пойабзал таъмирлаш устахонаси ташкил этиш;
4. Сартарошлик хизмати;
5. Ҳисобда турмаслик тўғрисида тиббий маълумотномалар бериш (қонун ҳужжатларида бепул берилиши кўрсатилган контингентдан ташқари).

XI. Юқумли касалликлар шифохоналарида, ОИТС марказларида.

1. Фитобарлар ташкил этиш;
2. Қўшимча сервис хизмати ташкил этиш (телевизор, кондиционер, холодильник, ва шу кабилар);
3. Хужжатлардан ксероносуха олиш;
4. Пойабзал таъмирлаш устахонаси ташкил этиш;
5. Сартарошлик хизмати;
6. ОИТС марказларида ОИВ мавжуд эмаслиги тўғрисида сертификат бериш.

XII. Сил касалликлари шифохоналарида.

1. Фитобарлар ташкил этиш;
2. Қўшимча сервис хизмати ташкил этиш (телевизор, кондиционер, холодильник, ва шу кабилар);
3. Хўжалик ҳисобида қирхона ташкил этиш;
4. Хужжатлардан ксероносуха олиш;
5. Пойабзал таъмирлаш устахонаси ташкил этиш;
6. Сартарошлик хизмати;
7. Ҳисобда турмаслик тўғрисида тиббий маълумотномалар бериш (қонун ҳужжатларида бепул берилиши кўрсатилган контингентдан ташқари).

XIII. Тери-таносил касалликлар шифохоналарида, диспансерларида.

1. Фитобарлар ташкил этиш;
2. Беморлар яқинларини меҳмонхона жойлари билан таъминлаш;
3. Қўшимча сервис хизмати ташкил этиш (телевизор, кондиционер, холодильник, ва шу кабилар);
4. Хўжалик ҳисобида қирхона ташкил этиш;

5. Хужжатлардан ксеронусха олиш;
6. Сартарошлик хизмати;
7. Пойабзал таъмирлаш устахонаси ташкил этиш;
8. Хўжалик ҳисобида косметология хизматини ташкил этиш.

Изоҳ: Юқорида келтирилган рўйхат сервис хизмат турларининг асосий йўналишини белгилайди. Рўйхатда келтирилмаган сервис хизмат турлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсати билан ташкил қилиниши мумкин.